

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

6/S-son (4-jild)

**2024**

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/6 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**12.00.00 – YURIDIK FANLAR**

*Умарханова Дилдора Шарипхановна*

ЕВРОПА МИНТАҚАСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ..... 9-14

*Yakubova Iroda Bahramovna*

MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR VA  
MUALLIFLAR O'RTASIDAGI FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABARTLAR..... 15-26

*Собирова Нозимахон*

СИТУАЦИОННОЕ ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ АКАДЕМИЧЕСКОЙ НЕДОБРОСОВЕСТНОСТИ: РОЛЬ  
ОБУЧЕНИЯ, МОТИВАЦИИ И ИННОВАЦИОННЫХ ПОДХОДОВ К ОЦЕНКЕ ..... 27-36

*Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли*

ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ  
ҲУҚУҚИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ..... 37-45

*Турсунов Ойбек*

ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА ..... 46-53

*Ismoilova Aziza Alisher qizi*

MEHNAT MUNOSABATLARIDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASHDA GENDER HUQUQIY  
EKSPERTIZA AHAMIYATI VA HUQUQIY MUAMMOLARI ..... 54-60

*Safarova Shaxlo Pulatovna*

YANGI O'ZBEKISTONNING HOZIRGI RIVOJLANISH DAVRIO'ZGARISHLARINING INSON  
HUQUQLARI TA'LIMINI AMALGA OSHIRISH VA RIVOJIGA TA'SIRI ..... 61-67

*Akbaralieva Mukhayo Karamatullo kizi*

CRIMINAL LIABILITY FOR KIDNAPPING IN FOREIGN COUNTRIES ..... 68-71

*Valijonov Daler Dilshodovich*

PROBLEMS OF COMBATING CORRUPTION: INTERNATIONAL EXPERIENCE  
AND PRACTICE OF EU MEMBERS ..... 72-76

*Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li*

DAVLAT FUNKSIYALARI VA DAVLAT MOLİYASI O'ZARO NISBATINING HUQUQIY  
MASALALARI ..... 77-92

*To'xtayev O'ktamjon Zarifjon o'g'li*

VAKILLIK INSTITUTINING FUQAROLIK-HUQUQIY TAHLILI ..... 93-103

*Хайдарова Хилола Анваровна*

НАСЛЕДОВАНИЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ ... 104-109

*Рахмонова Мохичехра Нодирбек кизи*

СУВЕРЕНИТЕТ И ЮРИСДИКЦИЯ В КИБЕРПРОСТРАНСТВЕ ..... 110-118

*Худайбердиева Шоҳиста Акмал қизи*

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА

|   |         |
|---|---------|
| ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ..... | 119-129 |
|---|---------|

*Alijonov Ayubjon Qobiljon o'g'li*

|   |         |
|---|---------|
| RAQAMLI IQTISODIY HAMKORLIKNI XALQARO TARTIBGA SOLISH ..... | 130-136 |
|---|---------|

*Fayzulloyev Shohijaxon Jobirovich*

|  |         |
|--|---------|
| XALQARO SAVDODA NIZOLARNI HAL QILISH KONSEPSIYASINING RIVOJLANISHI: TARIXIY VA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR..... | 137-141 |
|--|---------|

*Fayzullaeva Shakhlo Jumaniyaz kizi*

|   |         |
|---|---------|
| ISSUES OF ONLINE DISPUTE RESOLUTION UNDER THE WTO ..... | 142-147 |
|---|---------|

*Raimov Elbek Bahodirovich*

|   |         |
|---|---------|
| OLIY TA'LIM TASHKILOTINING YURIDIK SHAXS SIFATIDAGI HUQUQIY MAQOMI..... | 148-152 |
|---|---------|

*Alieva Kamola Ravshanovna*

|  |         |
|--|---------|
| OVERCOMING LEGAL BARRIERS TO ENHANCE WOMEN'S POLITICAL PARTICIPATION IN UZBEKISTAN ..... | 153-161 |
|--|---------|

*Juraeva Asal*

|   |         |
|---|---------|
| MECHANISM OF ENFORCING ICA AWARDS IN UZBEKISTAN ..... | 162-166 |
|---|---------|

*Rakhmonov Otabek*

|  |         |
|--|---------|
| THE ROLE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN THE REORGANIZATION OF JOINT STOCK COMPANIES ..... | 167-171 |
|--|---------|

*Айбек Якубов*

|  |         |
|--|---------|
| ПРАВОВОЙ ПОРЯДОК РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И МЕЖДУНАРОДНО-ЧАСТНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В РАМКАХ ВСТУПЛЕНИЯ ВО ВСЕМИРНУЮ ТОРГОВУЮ ОРГАНИЗАЦИЮ ..... | 172-178 |
|--|---------|

*Zoilboyev Javlon Karimjon o'g'li*

|   |         |
|---|---------|
| MA'MURIY SUD Hujjatlarini ijroga qaratishning huquqiy tartibi ..... | 179-184 |
|---|---------|

#### **07.00.00 – TARIX FANLARI**

*Elmurotov Ortiq Oltiboy o'g'li*

|  |         |
|--|---------|
| TURONNING YUNON-MAKEDONLARGA QARAMLIK DAVRI ME'MORCHILIK AN'ANALARI..... | 185-192 |
|--|---------|

*Baxtiyarov Sirojbek Ilxombek o'g'li*

|   |         |
|---|---------|
| URBANIZATSIYA TUSHUNCHASI, TURLARI VA UNING TAHLILI ..... | 193-199 |
|---|---------|

#### **08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

*Imamov Javokhir*

|  |         |
|--|---------|
| LEVERAGING INTERNATIONAL BEST PRACTICES FOR ESTABLISHING MODERN TECHNOLOGICAL INDUSTRIAL ZONES IN UZBEKISTAN ..... | 200-203 |
|--|---------|

#### **09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

*Shodmonova Shaxnoza Dadaxujayevna*

|  |         |
|--|---------|
| "TAHDID" FENOMENI VA UNING SIYOSIY JIHATLARI ..... | 204-209 |
|--|---------|

#### **10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI**

*Bawetdinov Mukhammeddin*

UZAQBAY PIRJANOVNING PEYZAJ LIRIKASI ..... 210-215

*Соҳибова Зарнигор*

ПЕЙЗАЖ ЛИРИКАСИДА ДАРАХТ ОБРАЗИ (ЗУЛФИЯ ИЖОДИ МИСОЛИДА) ..... 216-219

*Jonridova Sanobar Sherali qizi*

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA IMPLIKATSION BIRLIKLAR TADQIQI ..... 220-224

*Sharipova Mokhidil*

PHONETIC CHARACTERISTICS OF ONOMATOPOEIC WORDS IN ENGLISH

LANGUAGE..... 225-231

**13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI***Umarov Abdurasul Abdurahimovich*PROFESSIONAL VA TEXNOLOGIK TA'LIM O'QITUVCHILARINI TAYYORLASHDA KOMPAS-3D  
AVTOMATLASHGAN LOYIHALASH TIZIMINI QO'LLASH ..... 232-237*Ro'ziyeva Nafosat Abdumumin qizi*YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHDA ABDULLA AVLONIYNING AXLOQIY  
QARASHLARI ..... 238-245*Qalandarova Maxliyo*MOLIYAVIY SAVODXONLIKKA O'RGATISHDA O'QUVCHILARINING O'QUVBILISH  
FAOLIYATINI FAOLLASHTIRISH ..... 246-251*Чинқулова Гулмеҳра Баҳроновна*ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 252-258*Ibragimova Venera Azadovna*

TIBBIY OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA KREDIT MODUL TIZIMI IMKONIYATLARI..... 259-264

*Turgunov Shuxratjon Nozimjon o'g'li*INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA HAQORATNING FONETIK VA MORFOLOGIK SATHLARIDA  
IFODALANISHI ..... 265-269



**Received:** 10 August 2024  
**Accepted:** 15 August 2024  
**Published:** 25 August 2024

*Article / Original Paper*

## **SCIENTIFIC-THEORETICAL APPROACHES TO RESEARCHING THE LEGAL BASES OF COOPERATION AND COOPERATION BETWEEN THE REPUBLICS OF UZBEKISTAN AND TURKEY**

**Xudayberdiyeva Shohista Akmal qizi**

PhD student of the National Center for Human Rights of the Republic of Uzbekistan

[yelenaskot@gmail.com](mailto:yelenaskot@gmail.com)

**Abstract.** In this article, the author scientifically and theoretically substantiates the concept of cooperation, its essence and trends of origin. The types of cooperation are studied in detail. A systematic study of the concept of legal foundations of cooperation. The views of scientists on the legal bases of cooperation and cooperation between the Republics of Uzbekistan and Turkey were studied and scientific and theoretical conclusions were given.

**Key words:** cooperation, legal bases of cooperation, cooperation between the Republics of Uzbekistan and Turkey, international agreements.

## **ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР**

**Худайбердиева Шоҳиста Акмал қизи**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази таянч докторанти

**Аннотация.** Мазкур мақолада муаллиф ҳамкорлик тушунчаси унинг мазмун-моҳияти ва келиб чиқиш тенденцияларини илмий-назарий асослантирган. Ҳамкорликнинг турлари батафсил ўрганилган. Ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари тушунчасига тизимли ўрганилган. Ўзбекистон ва Туркия Республикалари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига олимларнинг қарашлари ўрганилиб, илмий-назарий хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** ҳамкорлик, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон ва Туркия Республикалари ўртасидаги ҳамкорлик, халқаро шартномалар.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI6Y2024N14>

Халқаро ҳуқуқнинг моҳияти ва унинг ҳозирги халқаро муносабатлардаги ўрнини адекват (етарли) тарзда идрок этиши зарур бўлган ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг спектри кенглиги халқаро ҳуқуқнинг халқаро ва ички ҳаётнинг деярли барча соҳаларига таъсир доирасининг катталигидан далолат бериб туради. Шу нуқтаи назардан давлатлар ўртасида ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини тушунчасини ёритишдан аввал ҳамкорлик тушунчасига тўхталиб ўтишимиз жоиз деб ўйладик. Ҳамкорлик тушунчаси иқтисодиёт, савдо, молия, ҳуқуқ, экология ва бошқа турли соҳаларда ишлатилади. Ҳамкорлик тушунчаси турли соҳалардаги адабиётларда, халқаро шартномаларда, миллий қонунчиликда кенг қўлланилади. Юридик соҳада эса, инсон ҳуқуқлари, шартномалар ҳуқуқи, халқаро иқтисодиёт ҳуқуқи, халқаро савдо ҳуқуқи, халқаро меҳнат ҳуқуқи, халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи, халқаро гуманитар ҳуқуқи ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ва ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига алоҳида урғу берилади.

Шундан келиб чиқиб ҳамкорлик тушунчасининг мазмун-моҳияти турлари, шакллари ҳамда олимларнинг ҳамкорлик тушунчасига берган таърифлари турличадир.

Азалдан инсонлар, халқлар, миллатлар ва давлатлар ҳамкорлик қилиш ва низоларни бартараф этиш механизмларини яратиш устида ўйлаганлар ва улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу инсон ва жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларида муайян шахс ёки одамлар гуруҳининг мақсадларига эришиш учун қўлланилган. Кўпинча шундай Жамоа иши ташкилотлар, давлатлар, корхоналар муайян соҳада самарали натижа келтирган. Ҳамкорликнинг моҳияти аслида бу ўзаро таъсир қилувчи томонлар зўравонлик ишлатмасдан, умумий манфаатларни амалга ошириш йўллариини излаш жараёнидир. Битимнинг иккинчи томони ҳам худди шундай мақсадга эриша олсагина, томонлардан бири ўз мақсадларига эриша оладиган ҳолатларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик деб аташ мумкин. Бошқача қилиб айтганда, шерикларнинг мақсадлари бир-бирига боғланган бўлиши керак. Ҳамкорликнинг моҳияти шерикларнинг умумий мақсадларига эришиш, келишувларни амалга оширишдан аниқ фойда, ўзаро манфаат кутишдир[1].

Ҳамкорик тушунчасига файласуфлар, сиёсатчилар, иқтисодчилар, табиатшунослар ва бошқа соҳа вакиллари турлича фикр билдирганлар. Хусусан, Гарвард университети профессори, математика ва табиий фанлар доктори Мартин Новак ҳамда психолог, иқтисодчи Давид Г. Ранднинг “Жамиятдаги ўзаро ҳамкорлик” (Human cooperation) номли илмий ишида ҳамкорлик ва ҳамкорликнинг қандай қилиб вужудга келиши ҳақидаги назарияларини илгари сурган. Ҳамкорлик ҳақида шундай фикрларни билдиради: “Бир шахс бошқасига фойда олиш учун ўзаро ёрдам беришидар. Бунда ҳамкорлик ҳар бир шахс учун фойдали бўлиб, ўзаро манфаатлар асосига қурилади”[2] дея тарифлаган.

Ж.Э. Роемер “Умумий бозорнинг ўйин иловаларида ҳамкорлик назарияси” (A theory of cooperation in games with an application to market socialism) номли илмий мақоласида ҳамкорлик жамият учун муҳим элемент эканлигини таъкидлаб, ҳамкорлик қилувчи субъектлар ўртасида ўзаро ишончни ошириб, ҳамкорликни турли соҳаларда кенгайтириб, фаровон иқтисодий эркинликка эришиш орқали жамиятда осойишталикни таъминлаш муҳим эканлигини айтиб ўтган[3].

Ҳамкорлик тушунчаси ижтимоий-сиёсий фанларда XX асрнинг 20-йилларида талқин қилина бошланди. Бу масала кўпроқ конфликт тушунчаси билан ёнма-ён унинг олдини олувчи восита сифатида ўрганилган. 1960-йилларга бориб ғарбда интеграция жараёнлари кучайиши ҳамкорликни жиддий ўрганишга, унга нисбатан янгича

ёндашувларни шакллантиришга олиб келди. Бунда интеграцияга ҳамкорликнинг бир шакли сифатида қаралди.

Мазмун ва моҳиятига кўра «ҳамкорлик» тушунчаси кўп қиррали. Шу боисдан уни қўлланилаётган соҳасига қараб турлича талқин қилиш мумкин. “Ҳамкорлик” тушунчаси ижтимоий-фалсафий луғатларда турлича талқин этилади. Ҳамкорлик - мақсад ва манфаатлар тўғри келганда икки ёки ундан ортиқ томон ўртасидаги ижобий ҳамфаолият ҳисобланади. Бунда ҳамкорликнинг манбаси мақсад ва манфаат ўринли кўрсатилсада, аммо у фақат ижобий фаолият ўрнида талқин қилинади. Ваҳоланки, ҳамкорлик ҳар доим ҳам ижобий бўлавермайди. Зеро, инсоният истиқболига соя солаётган террористик ташкилотлар ҳам ўзаро ҳамкорликка интилади.

Халқаро ҳамкорлик масаласини узоқ йиллар тадқиқ қилган ғарб олими Э.Милнер бу жараён эканлигини илгари суриб, уч элементдан ташкил топишини таъкидлайди:

- ҳамкор давлатларнинг умумий мақсади;
- вазиятдан фойдани (манфаатдорликни) кутиш;
- манфаатдорликни ўзаро характерга эгаллигини илгари суриш.

Олимнинг фикрича юқоридаги уч элементнинг реалликка айланиши эса яхлит жараённи қамраб олади.

Россиялик профессор П.А. Тсганков ҳамкорликни жараён билан боғлиқлигига тўхталиб, уни музокара, келишув ва унга амал қилишдан иборат яхлит жараён, дейди[4].

Ўзбек олими Р.Алимов ҳам ҳамкорликнинг жараён эканлигини асослайди. У минтақани ўрганишга бағишланган контсепцияларда “интеграция” ва “ҳамкорлик” роли ҳақида тўхталиб, улар моҳиятан жараён эканлигини қайд этади.

Масалага фалсафий жиҳатдан ёндошсак, вазият деганда маълум бир жараён натижасида вужудга келган ҳолат тушунилади. Жараён маълум тамойиллар асосида давом этаётган ўзгариш ҳисобланади. Вазият тугалланган, жараён тугалланмаган ҳали давом этадиган ҳолатдир. Фалсафий луғатларда жараён муайян вақт оралиғида бўлиб ўтган ҳодисанинг давомийлиги деб талқин қилинади. Ёки, жараён - воқеалар ривожигади узлуксизликни ифодаловчи фалсафий тушунча сифатида қабул қилинади.

Ёки профессор С.Отамуратов “жараён табиат, жамият ва инсоният ҳаётида кечадиган воқеа ва ҳодисаларнинг узлуксизлигини англатувчи тушунчадир. Унинг ўзак моҳиятини ана шу узлуксизлик ташкил қилади”[5] - деган қарашни илгари суради.

Ҳамкорликда вазият ҳам белгиловчи омил ҳисобланади. Чунки вазиятдан келиб чиқиб ёки уни шакллантириш учун ҳамкорлик амалга оширилади. Бироқ ҳамкорликни ибтидосидан бошлаб интиҳосигача бўлган оралиқ эса жараён билан боғлиқ. Шунга асосланиб ҳамкорликни жараён сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳамкорликни икки ёки ундан ортиқ субектнинг уммуманфаатдорлик учун биргаликдаги амалий фаолияти, деб талқин қилишимиз мумкин.

***Ҳамкорлик турли шаклларда, хусусан соҳасига кўра, иқтисодий, ҳарбий, маданий, сиёсий; иштирокчиларига кўра икки томонлама, кўп томонлама; кўламига кўра давлатлараро, минтақавий, глобал; даражасига кўра фаол, суст ҳамкорликка ажратилади.***

Бизнинг фикримизча, ҳамкорлик - бу икки ёки undan ортиқ субъектларнинг биргаликда ишлаш ёки ҳаракат қилиш жараёни. Ҳамкорлик ижтимоий институтлар, ташкилотлар ва бутун ижтимоий тизим учун асос яратиб, ижтимоий воқеликни таъминлайди. Ҳамкорлик ҳар қандай соҳада биргаликдаги фаолият жараёнидир. Одатда бундай ўзаро таъсир ўзаро манфаатли деб тахмин қилинади ва бундай қўшма фаолият жараёнида ҳар бир иштирокчи ўз мақсадларига эришади. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, ҳамкорлик тушунчасинининг мазмун моҳиятини очиб берадиган бўлсак, ҳамкорлик лотин тилидан олинган бўлиб (kooperativ, kopationis) - умумий мақсадга эришиш учун биргаликда амалга ошириладиган ҳаракат ва ҳаракатлар мажмуи[6] деган маънони англатади.

Шундан келиб чиқиб, ҳамкорлик давлатлар ва ташкилотларнинг ўзаро боғлиқлигининг кўрсаткичидир. Халқаро муносабатларнинг ривожланиши ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик ва илмий ҳамкорлик тизимларини яратди. Масалан, сўнгги йилларда инсониятнинг глобал муаммолари билан боғлиқ ҳал этилмаган муаммолар кескинлашди. Бу соҳада жаҳон муаммоларини ҳал этишга ҳисса қўшадиган халқаро фаолиятни кенгайтириш ниҳоятда долзарбдир. Ҳамкорлик ўзаро алмашинув асосида ривожланаётган муносабатлар мажмуасидир. Замонавий воқелик шароитида халқаро муносабатлар диалог ўрнатиш, манфаатларни таққослаш, консенсусга эришиш, қадриятларнинг номувофиқлиги ҳолатларида ва минтақалар, мамлакатлар ва ташкилотлар ўртасидаги зиддиятли вазиятларда мувофиқлаштириш механизмлари жараёнига ўхшайди[7].

Бизнинг фикримизча, ҳамкорлик - бу аниқ мақсадга йўналтирилган ва умумий манфаат ёки фойда умидига эга бўлган қўшма ёки ҳамкорликдаги хатти-ҳаракатлардир. **Ҳамкорлик ихтиёрий ёки ихтиёрсиз, тўғридан-тўғри ёки билвосита, расмий ёки норасмий бўлиши мумкин**, лекин ҳар доим маълум бир мақсад сари саъй-ҳаракатларнинг комбинацияси мавжуд бўлиб, унда барча иштирокчилар ҳақиқий ёки ҳаёлий манфаатларга эга. Юқори интеллектуал даражаларда ҳамкорлик ниятларнинг ўзаро боғлиқлигини, шунингдек, хатти-ҳаракатларнинг бирлашишини ўз ичига олади ва ҳатто ўз-ўзидан мақсад бўлиши мумкин. Ҳамкорлик учун потенциал доирада чегара йўқ; уни суверен давлатлар лигалари каби кичик ва катта гуруҳларда топиш мумкин.

**Ҳамкорликни ахлоқий меъёр**, ижтимоий жараён ёки институционал тузилма сифатида қараш мумкин. Ахлоқ ва ҳуқуқда ҳамкорлик инсоният тарихи давомида энг шарафли қадриятлардан бири бўлиб келган. Дарҳақиқат, баъзи файласуфлар, сиёсатшунослар ва ҳуқуқшунослар ҳамкорликни ахлоқ ва сиёсатнинг бутун тузилиши билан синоним қилиб қўйганлар. Дунёнинг барча асосий динлари ва ахлоқий тизимларида ҳамкорлик таъкидланган. У ҳиндуизм ва конфуцийликнинг марказида жойлашган бўлиб, ҳатто христианлик каби нисбатан индивидуалистик динларда ҳам муқаддас ўрин тутаяди.

**Ҳамкорлик жараён сифатида қаралганда**, кооперация турларнинг шаклланишида ва турларнинг ўзгаришида марказий ўрин тутаяди. Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида бўлгани каби, инсон-маданий дунёсида ҳам худди шундай. Рақобат билан чамбарчас боғлиқ, қуйида таъкидланганидек, ҳамкорликдаги хатти-ҳаракатлар эволюция

жараёнининг марказий механизмларидан биридир; ўзгаришларга, шунингдек, барқарорликка олиб келадиган шароитларда кузатилиши керак.

**Ижтимоий тузилма бўлса**, ҳамкорлик инсон томонидан маълум мақсадга биргаликда ҳаракат қилиш учун аниқ яратилган сон-саноксиз ташкилотларда намоён бўлади. Бундай тузилмалар ибтидоий овчилик гуруҳларидан, халқаро ҳуқуқ субъектларидан тортиб, бир томондан, халқаро ташкилотларгача, бошқа томондан фарқланади. Улар иқтисодий бўлгани каби ижтимоий, сиёсий ва маданий характерга эга. Жараён ва тузилма сифатида ҳамкорликка бўлган қизиқишнинг замонавий янгилиниши XIX асрда, Лаиссез-Фаире капитализмининг ижтимоий тузумга таъсири билан банд бўлган асрда содир бўлганлиги, бугунги кунда ҳам ижтимоий соҳа олимларнинг қайғули тенденциясини тушунтириши мумкин. Ҳамкорлик ва рақобатни, биринчи навбатда, иқтисодий аҳамиятга эга жараёнлар сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Ҳамкорликнинг турлари ва ҳамкорликнинг пайдо бўлиши ҳақида турли назариялар мавжуд. Булар:

**1. Масивер ва Пейж ҳамкорликни иккита асосий турга ажратди:**

- ✓ Тўғридан-тўғри ҳамкорлик
- ✓ Билвосита ҳамкорлик

**Тўғридан-тўғри ҳамкорлик** - остида одамлар биргаликда нарсаларни ёқтирадиган барча тадбирларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, бирга ишлаш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, ўзаро ёрдам қилиш ёки бир бирини қўллаб-қувватлаш. Бундай ҳамкорликнинг асосий хусусияти шундаки, одамлар бир хил вазифани бажарадилар, улар ҳам алоҳида-алоҳида бажаришлари мумкин. Ушбу турдаги ҳамкорлик ихтиёрийдир, масалан, эр ва хотин, ўқитувчи ва талаба, хўжайин ва хизматкор ўртасидаги ҳамкорлик.

**Билвосита ҳамкорликка** - одамлар умумий мақсад йўлида бир-бирига ўхшамайдиган вазифаларни бажарадиган фаолиятлар киради. Масалан, халқлар, давлатлар ва халқаро ташкилотлар умумий мақсадга эришиш учун ҳамкорлик қилганда. Бу ҳамкорлик меҳнат тақсимооти тамойилига асосланади. Унда субъектлар умумий мақсадга эришиш учун турли функцияларни бажарадилар. Замонавий технологик асрда кўникмалар ва функцияларнинг ихтисослашуви кўпроқ талаб қилинади, бунинг учун билвосита ҳамкорлик тезда бевосита ҳамкорликни алмаштиради.

**2. А.В.Греен ҳамкорликни учта асосий тоифага ажратди:**

- ✓ Бирламчи ҳамкорлик
- ✓ Иккиламчи ҳамкорлик
- ✓ Учтинчи даражали ҳамкорлик.

**Бирламчи ҳамкорлик** - бу турдаги ҳамкорлик оила каби бирламчи гуруҳларда учрайди. Ушбу шаклда шахслар ва гуруҳ ўртасидаги манфаатларнинг ўзига хослиги мавжуд. Гуруҳ манфаатларига эришиш шахснинг манфаатларини амалга оширишни ўз ичига олади.

**Иккиламчи ҳамкорлик** - ҳукумат, саноат, касаба уюшмаси ва черков каби иккиламчи гуруҳларда учрайди. Масалан, саноатда ҳар бир киши ўз маоши, кўтарилиши, фойдаси ва баъзи ҳолларда обрў ва ҳокимият учун бошқалар билан ҳамкорлик қилиши

мумкин. Ушбу ҳамкорлик шаклида шахслар ўртасида манфаатлар номутаносиблиги мавжуд бўлади.

**Учинчи даражали ҳамкорлик** - ушбу турдаги ҳамкорлик турли хил катта ва кичик гуруҳларнинг муайян вазиятни қондириш учун ўзаро таъсирида асосланади. Унда ҳамкорлик қилувчи томонларнинг муносабати соф фойдали (оппортунистик) дир; уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш ҳам юмшоқ, ҳам заифдир. Мисол учун, турли мафкурадаги иккита сиёсий партия сайловда рақиб партиясини мағлуб этиш учун бирлашиши мумкин.

Олимларнинг фикрлари шуни кўрсатадики, ҳозирги глобаллашув жараёнида ҳамкорликнинг роли жуда муҳимдир. Ҳамкорлик ижтимоий жараённинг энг элементар шакли бўлиб, усиз жамият мавжуд бўлмайди. Кропоткиннинг сўзларига кўра, бу инсон ҳаётида шунчалик муҳимки, усиз яшаш қийин.

Ҳамкорлик ижтимоий ҳаётимизнинг асосидир. Ҳамкорлик жамият тараққиётига ёрдам беради. Биргаликда ҳаракат қилиш орқали тараққиётга яхшироқ эришиш мумкин. Илм-фан ва техника, қишлоқ хўжалиги ва саноат, транспорт ва коммуникация соҳаларидаги улкан ютуқларни ҳамкорликсиз амалга ошириб бўлмайди.

Инсоният турли соҳаларда эришган барча ютуқларни халқларнинг ҳамкорлик руҳи билан боғлаш керак. Ҳамкорлик бугунги дунёнинг долзарб талабидир. Бу нафақат шахслар ва гуруҳлар, балки халқлар орасида ҳам зарур. У кўплаб халқаро муаммолар ва келишмовчиликларни ҳал қилади[8].

Юқоридаги фирмалардан келиб чиқиб, ҳамкорлик ва унинг турлари ҳар бир соҳада алоҳида турларга ажратиш ўринлидир. Бизнинг фикримизча, ҳамкорликни *мазмунига кўра ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий* турлага ажратиш мумкин. Ҳамкорлик *субъектларига кўра халқаро, минтақавий ва давлатлараро* ҳамкорликка ажратиш мумкин.

Ҳамкорликнинг аҳамияти айниқса халқлар, давлатлар, ташкилотлар ва бошқа турли уюшмалар фаолиятини амалга ошириш, муаммоларни ижобий ҳал этиш, ўзаро гуманитар ёрдам масалаларида яққол намоён бўлади. Ҳамкорликнинг бу тури халқаро ҳамкорлик ҳисобланади.

**Халқаро ҳамкорлик** - икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигидир: ижтимоий, сиёсий, маданий, фан, таълим, туризм, соғлиқни сақлаш, ҳарбий-саноат комплекси соҳалари ва бошқалар. Бу қўшма ёки ўзаро келишилган ишлаб чиқариш, хавфсизликни таъминлаш ва инвестицияларни жалб қилишнинг ўзаро кафолати, таълим дипломлари ва Ковидга қарши эмлаш сертификатларини ўзаро тан олиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам халқаро ҳамкорлик икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳар қандай сабабга кўра фойдали ва мақсадга мувофиқ бўлган ўзаро ҳамкорлигидир.

Халқаро ҳамкорликнинг асосий турлари: Сиёсий ҳамкорлик. Иқтисодий ҳамкорлик. Илмий-техникавий ҳамкорлик. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик. Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик. Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик. Ахборот, алоқа ва телекоммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик. Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик. Ҳарбий соҳада ҳамкорлик ва бошқалар.

Ҳамкорлик мавжуд тузилмалар доирасида ҳам амалга оширилиши, ривожланиши ва янги бошқарув органларининг пайдо бўлишини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тинчликни сақлаш ва урушларнинг олдини олишда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун яратилган. Дастлаб у Гитлерчиларга қарши коалицияга аъзо 51 та давлатни ўз ичига олган бўлса, кейинчалик БМТ халқаро майдонда тан олинган дунёнинг деярли барча давлатларини бирлаштирди[9].

Тинчликни сақлаш ва урушларнинг олдини олиш жуда кўп қиррали жараён бўлганлиги сабабли ушбу мақсадга эришиш учун тегишли ташкилий тузилмалар зарур. Шунинг учун БМТ таркибида Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, БМТ Котибияти каби асосий органлар мавжуд.

БМТдан ташқари, асосий мақсади халқаро ҳамкорлик бўлган кўплаб ташкилотлар мавжуд. Булар Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Қизил Хоч, Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) ва Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) келтиришимиз мумкин.

*Юқоридагилардан қатъий назар, халқаро ҳамкорлик фақат ташкилотларга таяниши шарт эмас, балки бир-бирини қўллаб-қувватлашга интиладиган мамлакатлар, компаниялар, Нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) ва бошқалар ўртасидаги стратегик иттифоқларга ҳам таянади.*

Халқаро ҳамкорликнинг мақсади ушбу субъектлар ўртасида ўзаро ишонч ва яқдилликни таъминлаган ҳолда инсоният учун фойда келтиришдир.

Халқаро ҳамкорлик турли мақсадларни кўзлаши мумкин, улардан энг кенг тарқалганлари орасида:

- Камбағал ёки можародан жабр кўрган мамлакатлар фуқароларига инсонпарварлик ёрдами.
- Мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмаклашиш.
- Ирқи, этниқоди, келиб чиқиши ва бошқаларга кўра камситиш қурбони бўлган фуқароларни ҳимоя қилинг.
- Тинчликни сақлаш ва ҳимоя қилиш.
- Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.
- Демократия ва сўз эркинлигини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш[10].

Жумладан, минтақамизда ҳам бу жараён ўзига хос тарзда кечмоқда. Ана шундай шароитда минтақавий ҳамкорликнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш, уни амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Минтақавий ҳамкорлик** – бу умумий географик минтақадаги мамлакатлар умумий манфаатларни топиш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот орқали миллий манфаатларини илгари суриш учун ишлаб чиқадиган сиёсий ва институционал механизмларни назарда тутати.

**Давлатлараро ҳамкорлик** – бу икки давлат ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа турдаги ҳамкорликларнинг ўзаро нисбати бўлиб, томонларнинг манфаатлаидан келиб чиқиб амалга оширилади[11].

Умуман олганда, халқаро муносабатлар назарияси давлатлараро ҳамкорликнинг турли хил таърифларига эга бўлиб, улар давлатлараро ҳамкорлик “бошқалар сиёсатни ўзаро мувофиқлаштириш жараёни орқали айрим иштирокчилар ўз хатти-ҳаракатларини амалдаги ёки кутилаётган имтиёзларга мувофиқ тартибга солувчи вазият” деб қараладиган умумий формулага асосланади” [12].

Шундай қилиб, ушбу таърифга кўра, давлатлараро ҳамкорлик давлатларнинг ўз сиёсатини уларни бирлаштирувчи мақсадга мувофиқ мувофиқлаштириш доирасидаги ўзаро таъсирини ўз ичига олади. Шу билан бирга, уларнинг ўзаро таъсирида муҳим параметр - ҳамкорлик жараёнидан ўзаро манфаат олиш имкониятидир. Худди шундай, ҳамкор давлатлардан бирининг имтиёзларга эга бўлмаслиги ҳамкорлик жараёнининг ўзини амалга ошириш имкониятини шубҳа остига қўяди. Шу муносабат билан шуни таъкидлаш керакки, ҳамкорлик ҳар доим, ҳеч бўлмаганда, икки томонлама бўлиб, бунда томонлар бошқа томоннинг манфаатларини ҳисобга олишга ва томонларнинг ҳар бири учун салбий оқибатларга олиб келмасликка ҳаракат қилишади.

Шунга кўра, давлатлараро ҳамкорлик ўрнатилган умумий ҳаракат қоидалари доирасида давлатлар ўз зиммаларига олган мажбуриятлар тоифаларида тавсифланади. Халқаро шартнома - бу умумий қоидалар ва давлатларнинг ҳамкорлик доирасидаги мажбуриятларини тавсифлаш шакли. В. Вежноветс ва А. Бородичнинг фикрича, халқаро шартнома “халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида халқаро муносабатларнинг бутун спектри бўйича ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама форматларда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришда асосий рол ўйнайди” [13].

Юқорида келтириб ўтганимиздай, ҳамкорлик бугунги глобаллашган даврда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, такомиллаштириш, ривожлантириш барча давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар учун бирламчи фазифадир.

Ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари хилма-хил битимлар шаклан ва мазмунан хилма-хил бўлиб улар турлича: шартнома, битим, пакт, трактат, конвенция, декларация, протокол каби кўринишларда бўлиши мумкин. Ушбу битим турлари албатта юридик оқибат келтириб чиқаради ҳамда ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Бизнинг фикримизча, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари бу давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий, туристик алоқаларни йўлга қўйиш ва бундай алоқаларни юридик жиҳатдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мустаҳкамлаш тушунилади.

Ҳамкорлик ва унинг ҳуқуқий асослари тушунчалари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳар томонлама ҳамкорлик ғояси БМТ Уставида ўз ифодасини топган. Ҳамкорлик тушунчаси 1970 йилдаги Халқаро ҳуқуқ принциплари Декларациясида принцип сифатида шакиллантирилган. Ушбу принцип давлатлар зиммасига уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузилишидаги фарқланишлардан қатъи назар, бири бири билан ўзаро ҳамкорлик қилиш мажбуриятини юклайди. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйдагилардир:

**биринчидан**, тинчлик ва хавсизликни қўллаб-қувватлаш;

**иккинчидан**, инсон ҳуқуқларини ялпи ҳимоя қилиш;



**учинчидан**, иқтисодий, ижтимоий, маданий, илм-фан, туризм, техник ва савдо соҳаларида халқаро муносабатларни суверен тенглик ва аралашмаслик принципларига мувофиқ амалга ошириш;

**тўртинчидан**, БМТ билан ҳамкорлик қилиш ва унинг Уставида кўзда тутилган чораларни қўллаш;

**бешинчидан**, дунё миқёсида, айниқса ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий юксалишга кўмаклашиш.

Ҳар томонлама ҳамкорлик ғояси БМТ Уставида (1-модда, 3-банд), таъкидланганидек “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш мақсадини кузлайди. Бундай ҳамкорлик халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашдагина барча давлатларнинг мажбурияти ҳисобланади” [14].

Ҳамкорлик принципи ҳуқуқий категория сифатида Уставнинг бошқа қоидалари, хусусан 55 ва 56-моддалари қоидаларидан келиб чиқади. Масалан, 55-модда мазмуни БМТ органларининг икки хил мажбуриятлари мавжудлигидан далолат беради: давлатларнинг Уставда кўзда тутилган мақсадларига эришиш йўлида бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиш мажбурияти ва уларнинг худди шу мақсадларга эришиш учун БМТ билан ҳамкорлик қилиш мажбурияти.

**Халқаро ҳуқуқ принциплари Декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган ушбу принциплар давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратишда асосий мезон бўлиб ҳисобланади.** Шундан кўриниб турибдики, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқлар ўртасидаги шартномаларда ўз аксини топади. Шартномалар ҳуқуқи XIX аср халқаро ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби, давлатлараро халқаро шартномавий ҳуқуқ соҳаси ҳам тез ривожлана бошлади. Бу даврга келиб, халқаро ҳуқуқнинг халқаро гуманитар ҳуқуқ, каби турли соҳаларининг шаклланиши ва ривожланиши ўз навбатида, халқаро шартномалар ҳуқуқини ҳам шаклланишига асос солди. Чунки, энди турли йўналишлардан давлатлараро муносабатлар асосан халқаро шартномаларга асослана бошлади. Шу билан бирга, халқаро шартномаларнинг муайян шакллари ва талаблари ҳам бир хиллаша бошлади.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, илк бора кўп томонлама шартномалар тузиш зарурати юзага келган. Масалан, 1815 йилда Европанинг тўққиз давлати томонидан дипломатик мартабалар тўғрисида Вена Регламенти қабул қилинган. Халқаро транспорт ва алоқа воситалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоси қатъий ечимини кутган. 1856 йилда Париж декларациясига мувофиқ, савдо кемаларининг урш даврида ҳаракатланиш режими белгиланган. Савдо кемаларининг халқаро дарёлар - Европадаги Рейн, Дунай, Элба, Америкадаги Миссисипи ва Муқаддас Лаврентий, Африкадаги Конго ва Нигер дарёлари бўйлаб эркин ҳаракатланиш режими шаклланган.

1874 йилда Бутун Жаҳон Почта Иттифоқини таъсис этиш тўғрисидаги актнинг имзоланиши унга аъзо давлатлар ҳудудидан хат ва жўнатмаларни эркин транзит қилиш тартиби ўрнатилишига асос бўлган. 1875 йилда эса Телеграф иттифоқи тўғрисидаги Конвенсия қабул қилинган. 1890 йили Темир йўл бўйича кўп томонлама конвенсия имзоланди, чунки халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожини ушбу соҳада ҳуқуқий тартибга солишни фаоллаштиришни тақозо этган. Кейинчалик конвенсия ва

декларация шаклидаги халқаро шартномалар кўплаб тузила бошлади. Булардан энг йириги 1945 йилнинг июнида Сан-Францискода Бирлашган Миллатлар Конференцияси ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига асос солган муҳим ҳужжат — БМТ Уставини қабул қилган.

Ижтимоий жиҳатдан БМТ Устави умуминсоний манфаатларни ҳамда давлатларнинг ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлари билан тинчлик ва фаровонликни таъминлаш мумкинлигига ишончни ўзида мужассам этган. Сиёсий жиҳатдан ҳамкорлик принципи халқаро ҳуқуқнинг негизига айланди. Устав классик халқаро ҳуқуққа хос бўлган мустамлакачилик сиёсатини қонунийлаштиришга барҳам берди.

БМТ Устави замонавий халқаро ҳуқуққа хос умумий мақсадлар ва принципларни белгилаб берган бўлиб, улар орасида пакта сунд серванда, яъни халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири сифатида қайд этилди.

Ҳозирги даврга келиб, **биринчидан**, давлатлараро муносабатларда икки томонлама халқаро шартномалар билан бир қаторда, кўп томонлама халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали давлатларнинг кўп томонлама шартномавий мажбуриятларига эътибор кучая борди. **Иккинчидан**, халқаро шартномаларнинг шакли ва тузилиши билан бир қаторда, уларнинг юридик кучига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу авваломбор, кўп томонлама халқаро шартномаларда айниқса, аҳамият касб эта бошлади. **Учинчидан**, дипломатик конференциялар орқали ишлаб чиқилган ва қабул қилинган халқаро шартномаларга алоҳида аҳамият қаратила бошланди. **Тўртинчидан**, халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда халқаро ташкилотларнинг норма ижодкорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратила бошланди. **Бешинчидан**, халқаро шартномаларнинг бажарилишининг халқаро механизмлари шаклланди ва у такомиллашиб бормоқда.

Демак, ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқаро ҳуқуқнинг алоҳида мустақил соҳаси бўлиб, халқаро шартномаларни тузиш, қўллаш ва бекор қилиш тартибларига оид муносабатларни тартибга соладиган халқаро шартномалар ҳуқуқи шаклланди ва шу орқали ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилади.

Халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг бошқа субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалар орқали ривожлантириб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистоннинг халқаро шартномавий базасини ривожланиши билан бир қаторда, унинг халқаро шартномавий муносабатларини тартибга соладиган миллий қонунчилиги ҳам такомиллашиб борди. Авваломбор, Ўзбекистон Конституциясининг муқаддимасида мамлакатнинг халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган принциплари ва нормаларига содиқлиги кўрсатиб ўтилди ва тегишли конституциявий нормаларда ўзининг ташқи сиёсатини амалга оширишда халқаро ҳуқуқ принципларига риоя қилиши, Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро шартномалар имзолаш, ратификация қилиш ваколатига эга бўлган субъектлар белгилаб қўйилди. Ушбу ҳуқуқий нормалар негизда Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатларимиз ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, савдо-

сотиқ, транспорт-логистика, саноат, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларга оид ҳужжатлар имзоланган.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. <https://temidnya.ru/uz/grafika/ponyatie-o-sotrudnichestve-tipy-sotrudnichestva-cto-predstavlyaet-soboi-procedura.html>
2. Rand D. G., Nowak M. A. Human cooperation //Trends in cognitive sciences. – 2013. – Т. 17. – №. 8. – С. 413-425.
3. Roemer J. E. A theory of cooperation in games with an application to market socialism //Review of Social Economy. – 2019. – Т. 77. – №. 1. – С. 1-28.
4. Muhammadsidiqov M.M. Zamonaviy xalqaro munosabatlarning mintaqaviy jihatleri (Darslik) -T: Qaqnus media, 2019. –207 bet
5. Muhammadsidiqov M.M. Xalqaromintaqashunoslik. O'quv qo'llanma. –T.: Barkamol fayz media, 2017, 292 bet
6. <https://uz.warbletoncouncil.org/cooperacion-3317>
7. <https://temidnya.ru/uz/grafika/ponyatie-o-sotrudnichestve-tipy-sotrudnichestva-cto-predstavlyaet-soboi-procedura.html>
8. <https://article1000.com/types-cooperation-role-cooperation/>
9. <https://www.un.org/ru/about-us/member-states>
10. <https://economy-pedia.com/11037984-international-cooperation>
11. Graefrath MS, Jahn M. Conceptualizing interstate cooperation. International Theory. 2023;15(1):24-52. doi:10.1017/S1752971921000208
12. Abbott, Kenneth W. 1989. "Modern International Relations Theory: A Prospectus for International Lawyers." Yale Journal of International Law 14: 335–411.Google Scholar
13. Vezhnovets V., Borodich A. An international negotiation process. - Moscow: Liters Publishing House, 2016. - P. 339
14. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми // Инсон ҳуқуқлари буйича халқаро шартномалар // Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. - Т., 2004.-3-б.

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/6 (4) – 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).